

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВА МУНИСА ЯКУБОВНА

**ЭНТЕРОВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-
ВИРУСОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Эргашева Муниса Якубовна

Энтеровирусли инфекцияларнинг

клиник-вирусологик хусусиятлари.....3

Эргашева Муниса Якубовна

Клинико-вирусологические особенности

энтеровирусных инфекций.....25

Ergasheva Munisa Yakubovna

Clinic virological features of enterovirus

infection.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВА МУНИСА ЯКУБОВНА

**ЭНТЕРОВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-
ВИРУСОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib274 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Вирусология илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Фарход Хайдарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Арипов Орифжон Абдумаликович
тиббиёт фанлари доктори

Ахмедова Халида Юлдашевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг барча давлатларида энтеровирусли инфекцияларнинг (ЭВИ) фаоллашуви кузатилмоқда. Касалликнинг яққол ва белгисиз клиник шакллари эpidемияси ва авж олишининг учраётганлиги бундан далолат беради. Маълумки, «...энтеровирусли инфекцияларнинг аниқ серологик типга боғлиқ бўлмаган клиник белгиларининг полиморфизми, узок муддат вирус ташувчи бўлиб юриш, махсус профилактика чораларининг йўқлиги ЭВИни бошқариб бўлмайдиган касалликка айлантириб қўяди»¹. Буларнинг барчаси «...полиомиелитдан холи худуд мақомини сақлаб қолиш учун Глобал полиомиелитни йўқ қилиш дастурига мувофиқ энтеровирусли инфекцияларни кузатиш заруриятини туғдирди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) Ўзбекистонни полиомиелитдан холи худуд сифатида тан олганидан сўнг, энтеровирусларнинг назорати «маҳаллий» ёввойи полиовирусларнинг тарқалиши тўхтатилган мамлакатларда кузатувнинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқилиши керак»². Бу муаммонинг долзарблигини ва жойларда эпидемиология қоидаларига амал қилиш зарурлигини, Коксаки ва ЕСНО вируслари келтириб чиқарган касалликлар клиникасининг хусусиятларини ҳамда келтирилган инфекцияларнинг ташхисот усулларини мукаммаллаштириш лозимлигини белгилайди.

Жаҳонда энтеровирусли инфекциялар клиник-вирусологик хусусиятларини асослашда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада серозли менингит, ўткир респиратор инфекция (ЎРИ) ва катарал ангина ташхиси билан мурожаат қилган беморларда энтеровирусларнинг этиологик турларини полимераза занжирли реакцияси (ПЗР), культурал текшириш ва нейтраллаш усулларини қўллаган ҳолда учраш даражасини ва серотиплар спектрини аниқлаш ва клиник кечиш хусусиятини ўрганган ҳолда энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-лаборатор тавсифини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, энтеровирусли инфекцияларнинг алоҳида шакллари ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, клиник-лаборатор ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни камайтириш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолида юқумли касалликларни ташхислаш ва

¹Abedi GR, et al., Enterovirus and Human Parechovirus Surveillance — United States, 2009–2013. MMWR Morb Mortal Wkly Rep. 2015;34(64):940-943.

²«Руководство по лабораторным исследованиям полиомиелита». – 4-е издание. - ВОЗ, Женева, 2005

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали юқумли касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда замонавий босқичда энтеровирусли инфекциялар дунё бўйлаб фаоллашаётганлиги кузатилмоқда ва уларни фаоллигини пасайиш белгилари сезилмаяпти. Турли давлатларда доимий равишда касалликнинг эпидемик ўсиб бораётганлиги ва авж олишининг кузатилаётганлиги бундан далолат беради (Лукашов А.Н., 2005; Агеева Т.О., 2014; Анохин В.А., 2014; Фомина С.Г., 2014). Шунинг учун энтеровирусли инфекцияларни эпидемиологик жиҳатдан назорат қилишни ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар зарур аҳамиятга эга. Бутун дунёда ўтказилган кўп йиллик изланишлар шуни кўрсатдики, энтеровирусли инфекцияларнинг энг кўп намоён бўладиган кенг тарқалган тури, ҳам алоҳида касаллик сифатида, ҳам эпидемиялар кўринишида касалликни келтириб чиқарадиган энтеровирусли менингитдир (Романенкова Н.И., 2016; Rhoades R.E. 2011, Han T.H. et al., 2013; Seo J.H. et al., 2015; Westerhuis V. et al., 2013). Энтеровируслар (ЭВ) асосан 7 ёшгача бўлган болаларда ҳамда катталарда 90% лаборатор жиҳатдан тасдиқланган энтеровирусли менингитга (ЭВМ) сабаб бўлиши аниқланган (Lee В.Е. et al., 2007; Лукашев А.Н., 2010; Скрипченко Н.В., 2015; Козлов В.Г., 2016; Мартынова Г.П., 2018).

Шуни таъкидлаш керакки, марказий асаб тизимини (МАТ) шикастланишисиз кечадиган энтеровирусли инфекциялар шакли устунлик қилса, касалликнинг асосий шаклини ажратиш имкони бўлмади. Кўп ҳолатларда (85%га яқин) энтеровирусли инфекциялар белгисиз кечади ва 12-14% ҳолатларда эса енгил ёки ўрта оғир даражадаги иситма касаллиги сифатида ташхисланади (Фомина С.Г., 2014; Eis-Hubinger AM et al., 2013; Zou L. et al., 2017). Респиратор касалликка ўхшаш клиник шаклларининг кўплиги қандайдир хусусий белгиларнинг йўқлиги сабабли энтеровирусли инфекцияларни ўз вақтида аниқлашни қийинлаштиради. Протасеня И.И. (2017)

олиб борган илмий изланишларида энтеровирусли инфекцияларнинг неврологик шакллари (50,4%) билан бир қаторда МАТнинг шикастланишсиз кечадиган кўп учрайдиган шаклларига герпангина (18,2%), «кичик касаллик» (17,1%), ичак шакли (6,5%), экзантема (3,5%) ва эпидемик миалгияни (3,2%) киритган. Респиратор шакл энтеровирусли инфекцияларнинг клиник варианты сифатида атиги 1,1% ҳолатларда ташхисланган. Бизнинг ҳудудимизда энтеровирусли инфекциялар бўйича олинган клиник-лаборатор маълумотлар санокли (полиомиелитдан ташқари), баъзи ишлар ЭВИдан ўлган болаларни патологоанатомик текширишлар натижасига бағишланган бўлса, баъзилари ХХ асрнинг 70-80 йилларидаги ЭВИнинг эпидемиологиясига тааллуқли (Аталиева С.Г., 1968; Максумов С.С., 1975; Ходжаев Ш.Х., 1983; Запрометова Л.А., 1986; Каратаева Л.А., 2008; Касимова Р.И., 2009) .

Шундай қилиб, энтеровирусларни ўрганиш тарихи узок бўлишига қарамасдан, ЭВИ муаммоси бўйича саволлар ечилмасдан қолмоқда. Республикамизда энтеровирусли инфекцияларнинг айланиш кўлами аниқланмаган, бизнинг ҳудудимизга хос бўлган энтеровирус серотиплари ҳақида маълумотлар йўқ, энтеровирусли инфекциялар клиник шакллариининг структураси ва белгиларининг намоён бўлиши таҳлил қилинмаган. Қўзғатувчи серотипига боғлиқ ҳолда энтеровирусли инфекциялар кечишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича маълумотлар етарли эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-текшириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Вирусология илмий-текшириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ва ЕА-10-001 рақамли «Энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-вирусологик жиҳатлари» мавзусидаги давлат илмий-техник лойиҳаси доирасида бажарилган (2016 й.).

Тадқиқотнинг мақсади: энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш асосида ташхисот мезонларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

серозли менингит ташхиси билан касалхонага ётқизилган беморларда энтеровирусларнинг этиологик турларини ПЗР, культурал текшириш ва нейтраллаш усулларини қўллаган ҳолда учраш даражасини ва серотиплар спектрини аниқлаш;

энтеровирусли менингитни клиник кечиш хусусиятини ўрганган ҳолда МАТ шикастланиши билан кечадиган энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-лаборатор тавсифини баҳолаш;

ўткир респиратор инфекция ва катарал ангина ташхиси билан мурожаат қилган беморларда энтеровирусларнинг этиологик турларини ПЗР, культурал текшириш ва нейтраллаш усулларини қўллаган ҳолда учраш даражасини ва серотиплар спектрини аниқлаш ҳамда клиник-лаборатор тавсифини баҳолаш;

энтеровирусли инфекцияларнинг алоҳида шакллариини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, клиник-лаборатор ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент ва Самарқанд шаҳри юқумли касалликлар шифохонасида ҳамда Қарши шаҳридаги оилавий поликлиникаларда (2013-2016 йй.) серозли менингит, ўткир респиратор инфекция ва катарал ангина ташхиси билан даволанган 201 нафар турли ёшдаги беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони, қон зардоби, орқа мия суюқлиги ва нажаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, вирусологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бизнинг ҳудудимизда ёши, мавсумийлиги ва эпидемиологик тавсифини ҳисобга олган ҳолда серозли менингит, ўткир респиратор инфекция ва катарал ангина ривожланишида энтеровирусли инфекцияларнинг аҳамияти исботланган;

энтеровирусли менингитларда, герпангиналарда ва энтеровирусли инфекцияларнинг кичик шаклларида серотиплар тақсимланишининг ҳудудга хос хусусиятлари исботланган;

энтеровирусли менингитлар, герпангиналар, «кичик иситма» ва энтеровирусли инфекциялар респиратор шаклининг клиник-лаборатор кечиш хусусиятлари асосланган;

энтеровирусли серозли менингит, герпангина, «кичик иситма» ва энтеровирусли инфекциялар респиратор шаклига ташхис қўйиш учун ташхислаш тизими таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илгари кўп ҳолатларда ноаниқ этиологияли инфекцияларга киритилган серозли менингит, ўткир респиратор инфекция ва катарал ангинани этиологик омили исботланган;

ПЗР усули энтеровирусли инфекциялар ташхисини эрта этиологик тасдиқлашда алоҳида қийматга эгаллиги ва кундалик амалиётга кенг тадбиқ қилиш зарурлиги исботланган;

энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-лаборатор ташхислаш алгоритми касалликни биринчи кундан ташхисни ўз вақтида тўғри қўйиши ва қиёсий ташхислаш учун қўлланилиши исботланган;

ЭВМ, герпангина, «кичик иситма» ва энтеровирусли инфекцияларнинг респиратор шакллари учраш даражаси, эпидемиологик анамнезидаги хусусиятлари, мавсумийлиги, ёшга нисбатан хусусиятлари ва клиник кўриниши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, биокимёвий, вирусологик, молекуляр-биологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-

лаборатор хусусиятларини ўрганиш асосида ташхисот мезонларини оптималлаштиришда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-вирусологик хусусиятларини аниқлашни ўрганишга муҳим ҳисса қўшувчи назарий аҳамиятга эга. Ривожланишига энтеровирусли инфекциялар сабаб бўлаётган касалликлар этиологиясини аниқлаш мақсадида ЭВИ ташхисини этиологик жиҳатдан эрта тасдиқлаш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ПЗР усулидан фойдаланиш тавсия этилди. Олинган натижалар, ривожланишида ЭВ муайян аҳамиятга эга бўлган клиник шакллар структурасида энтеровирусли инфекциялар учраш даражасини белгилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЭВМ, герпангина, «кичик иситма», энтеровирусли инфекциялар респиратор шакллари ташхисини қўйишда бизнинг худудимиз учун хос бўлган уларнинг асосий клиник-лаборатор ҳамда баъзи бир эпидемиологик хусусиятлари ўрганилган. Олинган натижалар энтеровирусли инфекциялар ривожланиши мониторинги ва улар асосида касалликнинг учраш даражасини камайтиришга қаратилган чора тадбирлар ўтказишга, энтеровирусли касалликларни эрта аниқланишига ҳамда даволаш чора-тадбирларини оптималлаштиришга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-вирусологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-лаборатор ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 8н-д/205-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома энтеровирусли инфекциялар клиник-лаборатор ташхислаш алгоритмларини қўллаш асоратларни камайтиришга ва шифохонада даволаниш муддатларини қисқартиришга, касаллик рецидив хавфини йўқотиш имконини берган;

энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-вирусологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Навоий вилоят болалар юқумли касалликлар ва Термиз шаҳар болалар юқумли касалликлар шифохоналари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 декабрдаги 8н-з/239-сон маълумотномаси). Олинган натижалар энтеровирусли инфекцияни ўз вақтида клиник-лаборатор ташхисоти ўтказиш, беморларнинг даволаниш муддатини қисқартириш, касаллик асоратларини ва рецидивларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Энтеровирусли инфекцияларнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида, маҳаллий ва хорижий манбалар асосида дунё бўйича энтеровирусли инфекциялар муаммосининг замонавий ҳолати юзасидан адабиётлар шарҳи баён этилган. Энтеровирусли инфекцияларнинг эпидемиологиясига, турли шаклларининг замонавий клиник кечиш хусусиятларига ва энтеровирусли инфекциялар ташхисотига доир муаммоли масалалар батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Энтеровирусли инфекцияларга текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи боби тадқиқот материаллари ва усулларига бағишланган. Текширишлар Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасида, Тошкент шаҳар 1-сон юқумли касалликлар шифохонасида ва Қарши шаҳридаги 1, 2, 4, 5 ва 6-оилавий поликлиникаларда ўтказилди. Тадқиқотга ЭВИнинг бирор-бир шаклига хос бўлишига шубҳа қилинган 201 нафар бемор киритилди, улардан 122 нафарида серозли менингит ва 79 нафарида ЎРИ ва ангина ташхиси қўйилган.

Барча беморларда умумий клиник-лаборатор текширувлардан ташқари ПЗР, культурал текширув ва нейтраллаш реакцияси қўлланилди. Умумклиник текширувлар тўлиқ эпидемиологик анамнез, ҳаёт анамнезини йиғиш, яшаш шароитларини баҳолаш, клиник текширувларни, менингит билан оғриган беморларда неврологик статусни баҳолашни, ЎРИ ва катарал ангина билан оғриган беморларда ЛОР аъзоларни текширишни ўз ичига олди. Умумий қон, сийдик ва нажас таҳлили ўтказилди, ЎРИ билан касалланган беморларда танглай суртмасидан бактериологик экма экиш бажарилди. Баъзи ҳолатларда қоннинг биохимик таҳлили ўтказилди. Орқа мия суюқлиги текширилди ва бош

мия ичи босими, макро ва микроскопик, биохимик хусусиятлари аниқланди.

Молекуляр-биологик текшириш усули (ПЗР) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-текшириш институтининг референс лабораториясида ўтказилди. Таҳлил юқорида санаб ўтилган материалларда “Ампли-сенс *Enterovirus*” (РФ ССВ МЭИТИ, Москва) тест-тизимидан фойдаланилди, бунда қайтар транскрипция ва ПЗР усули ёрдамида ЭВлар РНКси, шу билан бирга VP1 капсид оқсилени кодловчи геном соҳасидаги нуклеоид кетма-кетлиги аниқланди.

Серозли менингит ва ЎРИ билан оғриган беморлар нажасидан ЭВ ни ажратиб олиш РесДСЭНМ (бўлим бошлиғи Джемилова С.Ф.) вирусология лабораториясида бажарилиб, бунинг учун «Игла DMEM L-глутамин билан» муҳитидан фойдаланилди. Ажратиб олинган цитопатик агентлар нейтраллаш ёрдамида идентификацияланди. Бу усулнинг моҳияти иммун зардобни ўзига мос келувчи вирусни нейтраллаш қобилиятидан иборат. Текширув жараёнида ЭВ нинг қуйидаги турларига қарши антителолар сақлайдиган зардоб турлари қўлланилди: Коксаки В 1-6; Коксаки А9 (60-3843); ЕСНО 1, 2, 3, 4 (Pesascek), 5, 6 (dAmori), 7, 9 (Heyer), 11 (60-3590), 12, 13, 14, 20, 21, 22, 25, 27, 29 (63-6771), 30, 33; Polio 1, 2, 3.

ЭВИнинг клиник-лаборатор ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш учун белгилар ахборотлилигини аниқлашда биз Кульбак усулидан фойдаландик. Кульбак усули бўйича белгилар ахборотлилигини ҳисоблаш асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда ҳисобланган ташхисий коэффицентларни аниқлашга асосланган. Ишлаб чиқилган маълумотлар базаси асосида таклиф этилган усулдан фойдаланиб, ташхисий коэффицентлар ва ҳар бир белгининг ахборотлилик аҳамияти ҳисоблаб чиқилди ва ЭВИ ташхисини қўйиш учун энг аниқ маълумот берадиган белгилар танлаб олинди.

Натижаларни статистик қайта ишланиши Intel Pentium G2030 шахсий компьтерида Microsoft Office 2010 дастур тўплами ва Excel учун функциялар тўплами бўлган қўшимча дастур ёрдамида ўтказилди.


Диссертациянинг «**Марказий асаб тизими шикастланиши билан кечадиган энтеровирусли инфекцияларнинг клиник-лаборатор тавсифи**» деб номланган учинчи бобида серозли менингит ташхиси қўйилган 122 нафар беморни ўрганиш натижаси баён этилган. Ҳар хил биологик ажратмалардан ЭВни аниқлаш учун ўтказилган турли текшириш усулларининг натижаларини солиштириш шуни кўрсатдики, серозли менингит билан оғриган беморларнинг 92 нафаридан олинган нажас таҳлилидан 32 тасида (34,7%) ва серозли менингит билан оғриган беморларнинг 30 нафаридан олинган ликвор таҳлилининг 9 тасида (30%) ЭВ аниқланди. ПЗР усули ёрдамида орқа мия суюқлигидан энтеровирусларнинг топилиши серозли менингитга сабаб бўлишидан далолат беради.

ЭВИ этиологияли серозли менингитни ёшга нисбатан тақсимлашдан маълум бўлдики, болалар – мактаб ёшидаги 7 ёшдан 18 ёшгача болалар касалликка кўпроқ чалинади – 19 (46,34±7,79%) ҳолатларда, ёшга нисбатан кейинги ўринни мактаб ёшгача бўлган болалар 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган – 15

нафар (36,59±7,41%) болалар эгаллади. Кузатувимизда 1 ёшгача ва 3 ёшгача бўлган болаларда атиги 1 тадан ҳолат аниқланди (2,44±2,41% ва 2,44±2,41%), 19 ёш ва ундан катта бўлган беморлар 5 нафарини (12,2±5,11%) ташкил этди ва жинслар орасидаги фарқлар аниқланганда маълум бўлдики, қиз болаларга қараганда ўғил болалар 1,5 баробар кўп экан (60,98±7,62 ва 39,02±7,62 нисбатда).

ЭВ этиологияли серозли менингит билан оғриган беморлардан эпидемиологик анамнези йиғилганда маълум бўлдики, танланган беморлардан кўпчилиги очиқ сув ҳавзаларида чўмилган 17 (41,5±7,7% солиштирилаётган гуруҳга нисбатан $p < 0,001$), 9 нафар бемор (22,0±6,5%, $p < 0,05$) ЎРИ ва ичак инфекцияси бўлган беморлар билан мулоқотда бўлган, қолган 15 нафар бемор (36,6±7,5%) беморлар билан мулоқотда бўлмаган, бу беморлар ўз касаллигини ҳеч нарса билан боғлай олмади.

Касаллик мавсумийлигини аниқлашдан шу маълум бўлдики, серозли менингит билан оғриган беморларни 40 нафари (97,6±2,4%; $p < 0,05$ ЭВ - гуруҳга нисбатан) асосан ёз ойларида мурожаат қилиб келишган (1- расм).



1-расм. Серозли менингит билан оғриган беморларда мавсумийликни намоён бўлиши

Беморларнинг орқа мия суюқлиги ва нажасидан ЭВни аниқлаш учун ўтказилган вирусологик теширишлар натижаси мусбат бўлгач, кейинчалик нейтраллаш реакцияси орқали ЕСНО ва Коксаки вирусларининг антигенлари аниқланди. ЭВ серозли менингит билан оғриган беморларда асосан ЕСНО 30 штамми – 41 дан 18 (43,90%) ҳолатда аниқланган. 4 (9,76%) нафарида Коксаки В, 2 (4,88%) ҳолатда ЕСНО 6 штамми ва 1 ҳолатда ЕСНО 7 (2,44%) ва ЕСНО 12 (2,44%) серотиплари аниқланди. Қолган синамаларда нейтраллаш реакцияси ўтказилганда – 11 ҳолатда (26,83%) қўзғатувчи топилмади (NTEV). Шунингдек, тадқиқотимизда Polio 1, 2, 3 вируслари аниқланмади.

Шундай қилиб, 37 ҳолатда (90,24%) нейтраллаш реакцияси текширувлари мусбат натижа берди. Улардан ЭВИга культурал текшируви

мусбат натижали ва серозли менингит билан оғриган беморлар нажасига нейтраллаш реакцияси барча 32 ҳолатда (100%) мусбат бўлди. Орқа мия суюқлигидан культурал усул орқали ЭВ ни аниқлаш, кейин нейтраллаш реакциясини ўтказиш 9 та ҳолатдан 5 тасида (55,56%) мусбатлиги аниқланди. Орқа мия суюқлигидан культурал усул орқали ЭВ топилиши кам ҳолатларда кузатилади. А.В. Штейнберг (2009) ишларида ПЗР мусбат ва ЭВМга хос бўлган клиника билан кечганда, орқа мия суюқлигини культурал текшириш фақат 9% ҳолларда мусбатлиги кўрсатилган. Шунинг учун культурал текшириш манфий бўлишига қарамадан, ЭВИни аниқлаш учун ўтказилган ПЗР 9 та ҳолатда мусбат бўлганлиги сабабли, бу ушбу инфекциянинг кўрсаткичи ҳисобланади, чунки натижа организмнинг стерил суюқлигидан, яъни ликвордан олинган эди.

Шундай қилиб, ЭВМ серотипларини аниқлаш учун олинган биздаги маълумотлар жаҳон адабиётидаги маълумотларни тасдиқлади, энтеровирусли серозли менингитни келтириб чиқарадиган асосий штаммлар бу ЕСНО 30 ва ЕСНО 6 эканлигидан далолат беради (Фомина С.Г., 2013).

Мавзу доирасидаги сўнгги тадқиқотлардан бири О.М. Оленькованинг (2015) иши ҳисобланиб, у ўзининг изланишларида биз каби энтеровирусли менингитни ўрганиб, ЭВИ этиологиясида ЕСНО (31,3%) ва Коксаки В (34,3%) вируслари муҳим аҳамият касб этишини аниқлаган. Шунингдек, бизнинг тадқиқот натижаларга ўхшаш ҳолда ЕСНО инфекциясининг куйидаги серотиплари: ЕСНО 30 (43,3%), ЕСНО 6 (19,5%), ЕСНО 7 (9,97%) қайд этилган, бизнинг ишимизда ҳам асосан ушбу муаллиф келтирган ЕСНО 30 (43,90%), ЕСНО 6 (4,88%) ва ЕСНО 7 (2,44%) серотиплар кузатилди.

Бизнинг тадқиқотимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Тошкент шаҳрида ҳам, Самарқанд шаҳрида ҳам энтеровирусли менингитни Коксаки В1-6 серотиплари келтириб чиқарганлиги аниқланди. Энтеровирус этиологияли серозли менингитнинг ривожланишида мазкур турдаги серотипларнинг асосий ўрин тутиши тўғрисидаги маълумотлар А.В. Штейнбергнинг (2009) ишларида кўрсатилган. Жумладан, бу тадқиқотда Коксаки В1-6 аниқланиши 37,6% ни ташкил этган.

Бизнинг маълумотларни Ўзбекистонда (Самарқанд ва Тошкент вилоятида), XX асрнинг 70-йилларида маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлили, бизнинг ҳудудимизда 30-40 йил олдин ҳам Коксаки В1-6 ва ЕСНО 6 аниқланганлигини ҳамда улар спорадик ҳолатда учрайдиган асептик менингит ва полиомиелитга ўхшаш касалликларнинг сабаби қилиб кўрсатилганлигини таъкидлаш мумкин (Максумов С.С, 1975; Запрометова Л.А. 1986).

С.С. Максумовнинг (1975) 17 йил давомида энтеровирусли инфекцияларни ўрганиш бўйича олган материаллари шуни кўрсатдики, Коксаки В3 серотипини Тошкент шаҳрида болаларда менингоэнцефалит ва асептик менингитларнинг спорадик ҳолатларида этиологик омил бўлган. У Коксаки В1 ва В6 ҳамда ЕСНО 6 кўзғатувчиларни полиомиелитга ўхшаш касалликларнинг

ривожланишига сабаб бўлувчи этиологик омил сифатида қайд этган.

Мазкур маълумотлар С.Г. Аталиеванинг (1968) ишларида ҳам ўз исботини топган, яъни Тошкент шаҳри ва вилоятида болаларда вирусологик ва серологик тадқиқотларни амалга ошириб, Коксаки В1, В3, В5 ва ЕСНО 6 серотипларини аниқлаган. Муаллиф ушбу вирусларни полиомиелитга ўхшаш касалликлар ва асаб тизимини шикастланиши билан боғлиқ касалликларни ривожланишидаги этиологик роли мавжудлиги хусусидаги эҳтимолни баён қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон худудида энтеровирусларни тадқиқ этиш бўйича адабиётларни таҳлилида ЕСНО 30 серотипини касаллик қўзғатувчиси, ташувчи сифатида ёки ушбу серотипни сувда ва тупроқда борлиги ҳақидаги маълумотлар аниқланмаган.

Серозли менингитнинг қўзғатувчиси аниқланганидан сўнг, бизнинг тадқиқотимизнинг мақсадларидан бири ЭВМ клиник ва лаборатор кечишини таҳлил қилиш эди.

ЭВМ ривожланиши хавфини туғдирувчи омилларни солиштириб аниқлашдан маълум бўлдики, сурункали инфекция ўчоғининг топилиши ($53,7 \pm 7,8\%$ солиштирилаётган гуруҳга нисбатан $p < 0,01$), тез-тез касал бўлувчи болалар- $46,3 \pm 7,8\%$; ($p < 0,05$), ҳамда озиқ-овқат ва дориғага нисбатан аллергиясининг борлиги $26,8 \pm 6,9\%$; ($p < 0,05$) кўрсаткичлари солиштириладиган гуруҳлар кўрсаткичларидан ишончли ошиб кетди.

Беморларни шифохонага тушиш муддати ва болалар ёшини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, солиштирилаётган гуруҳдаги беморлар касаллик биринчи белгилари пайдо бўлганидан дастлабки икки кунда мурожаат қилишган. ЭВМ билан оғриган беморлар гуруҳида жами беморларнинг $1/10$ қисми, солиштирилаётган гуруҳда $1/5$ қисми ($12,2 \pm 5,1\%$ га қарши $21,0 \pm 4,5\%$; $p > 0,05$) биринчи кунда мурожаат қилиб келишган, бу ЭВ натижаси манфий бўлган беморларда серозли менингит янада ўткир ва оғир бошланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иккинчи кунда асосан ЭВМ билан оғриган беморлар ($48,8 \pm 7,8\%$ га қарши $22,2 \pm 4,6\%$; $p < 0,001$) мурожаат қилган.

ЭВМ беморлар асосий контингентини ўртача оғир шаклда кечиши кузатилди ($53,7 \pm 7,8\%$; $p < 0,001$). Солиштирилаётган гуруҳда кўпинча касалликнинг оғир шакли қайд этилди ($51,9 \pm 5,6\%$; $p < 0,01$).

ЭВМ гуруҳида беморларнинг ярмидан кўпида – 26 ($63,4 \pm 7,5\%$) касаллик ўткир, тана ҳароратининг бирданига кўтарилиши, иситма туширувчи препаратлар таъсирида тушмаслиги, беморнинг кучли бош оғриғига шикоят қилиши, овқат ейиш билан боғлиқ бўлмаган қайт қилиш (бир ёки бир неча марта), дармонсизлик, уйқучанлик, иштаҳа пасайиши билан бошланган. Бу ҳолат ПЗР натижалари манфий бўлган гуруҳда ҳам учради, лекин нисбатан кам фоизни ташкил этди ($43,2 \pm 5,5\%$; $p < 0,05$).

Менингитга хос бўлган учлик белгиси: бош оғриғи, қайт қилиш ва тана ҳароратининг кўтарилиши (тана ҳарорати $38-39^\circ\text{C}$) шифохонага мурожаат қилиб келган ЭВМ гуруҳидаги беморларнинг кўпчилигида – 40 нафарда

(97,6±2,4%) кузатилди, этиологияси ноаниқ бўлган серозли менингит билан оғриган беморлар гуруҳида ЭВМ билан солиштирилганда камчилигида (72 нафар беморларда 88,9±3,5%; $p<0,05$) кузатилди.

Умумий танлаб олинган 26 нафар беморда (63,4±7,5%) ЭВМнинг клиник белгилари юқори нафас йўллариининг катарал белгилари фонида ривожланди, ноаниқ этиологияли серозли менингитли беморлар гуруҳида эса бу белгилар уч маротаба кам – 19 нафар беморда (23,5±4,7%; $p<0,001$) аниқланди.

Биз шуни аниқладикки, умум мия неврологик белгиси биринчи навбатда ликвор босими ошиши натижасида ривожланади. Беморларнинг кўпчилиги бош оғриғига шикоят қилди, бу барча ёшдаги болалар гуруҳида ва катталарда 41 (100%) ҳолатда қайд этилди.

Бемор шифохонага тушганида характерли бўлган белги бу қайт қилиш эди, бу ЭВМ билан оғриган беморларнинг 40 (97,6±2,4%) нафарида кузатилди ва овқатланиш билан боғлиқ бўлмади, қайт қилиш беморнинг умумий аҳволини енгилаштирмади, 26 нафар (63,4±7,5%) болада кўп мартали қайт қилиш кузатилди.

ЭВМ билан оғриган беморларда ликвор ошганлигининг яна бир белгиси кўз олмасининг ҳаракати пайтида кўзда оғриқлар кузатилишидир, бу белги 15 нафар (36,6±7,5%) беморда, ёруғликдан кўркиш 13 нафар (31,7±7,3%) беморда, гиперестезия 16 нафар бола ва катталарда (39,0±7,6%) кузатилди.

Барча менингиал белгилардан энса мушаклари ригидлиги белгиси кўпроқ кузатилди, унинг кўрсаткичи иккала гуруҳда ҳам бир хил эди (95,1±3,4% ва 98,8±1,2% мос равишда; $p>0,2$), Керниг белгиси иккала гуруҳдаги беморларнинг ярмида (51,2±7,8 % ва 53,1±5,5% мос равишда; $p>0,5$) мусбат эканлиги кузатилди, Брудзинский белгиси эса (юқори, ўрта ёки пастки) статистик жиҳатдан кўпроқ ЭВИ натижаси ПЗР да манфий бўлган серозли менингит билан оғриган беморлар гуруҳида кузатилди (51,8±5,5% га қарши ЭВМ гуруҳида 34,1±7,4% ; $p<0,05$).

Турли даражада намоён бўлган менингиал синдром бош мия юмшоқ пардаларининг зарарланганидан далолат беради, энса мушакларининг тахтасимон даражадаги ригидлиги, Керниг, Брудзинский ва бошқа белгиларнинг мусбатлиги ЭВМ билан оғриган беморларнинг жами 1/3 қисмида бу белги яққол намоён бўлди (31,7±7,3%), бу вақтда натижаси манфий бўлган серозли менингит билан оғриган солиштирилаётган беморлар гуруҳида кўпроқ аниқланди (55,56±5,2%; $p<0,02$). ЭВМ билан оғриган беморларда 16 (39,0±7,6%) ҳолатда ўртача оғирликдаги менингиал белгилар кузатилди, бу солиштирилаётган гуруҳга нисбатан (18,5±4,3%; $p<0,02$) ишончли қайд этилди (1-жадвал).

Неврологик симптоматиканинг давомийлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, менингиал белгилардан энса мушакларининг ригидлиги энг узоқ вақт – то 13 суткагача (5,69±0,36), Керниг белгиси қисқа муддат – 1-3 кун (1,80±0,17) сақланиб турди, Брудзинский белгиси тез 1-2 кун (1,43±0,13) да бартараф

бўлди. Бунда менингиал белгиларнинг давомийлиги болаларга қараганда катталарда узоқроқ давом этди.

Серозли менингит билан оғриган ва ЭВИ натижаси манфий бўлган беморларда ўзига хос хусусиятлари солиштирилганда аниқландики, ушбу танлаб олинган беморларда у ёки бу белгининг узоқ давом этишига қарамасдан, фақат энса мушакларининг ригидлиги давом этиш муддати ($6,63 \pm 0,20$ кун; $p < 0,02$) ва Брудзинский белгиси ($1,81 \pm 0,11$ кун; $p < 0,02$) ЭВМ билан оғриган беморларга қараганда кўпроқ кузатилди.

1-жадвал

Серозли менингит билан оғриган беморларда неврологик белгиларнинг учраш даражаси

Белги	Серозли менингит (ЭВ+) n=41		Серозли менингит (ЭВ-) n=81		P
	Абс	%(M±m)	Абс	%(M±m)	
Бош оғриғи	41	100,0±0,0	81	100,0±0,0	-
Қайт қилиш	40	97,6±2,4	75	92,6±2,9	">0,2 *>0,5
Кўп марта қайт қилиш	26	63,4±7,5	43	53,1±5,5	">0,2 *>0,2
Қайт қилиш кузатилмаган	1	2,4±2,4	6	7,4±2,9	">0,2 **>0,05
Кўз олмасида оғрик	15	36,6±7,5	37	45,7±5,5	">0,5 *>0,5
Ёруғликдан кўрқиш	13	31,7±7,3	41	50,6±5,6#	"<0,05 *<0,05
Гиперстезия	16	39,0±7,6	37	45,7±5,5	">0,5 *>0,5
Энса мушакларининг ригидлиги	39	95,1±3,4	80	98,8±1,2	">0,2 *>0,2
Керниг белгиси	21	51,2±7,8	43	53,1±5,5	">0,5 *>0,1
Брудзинский белгиси	14	34,1±7,4	43	53,1±5,5#	"<0,05 *<0,05
Яққол «менингиал синдром»	13	31,7±7,3	45	55,56±5,2#	"<0,01 *<0,02
Ўртача «менингиал синдром»	16	39,0±7,6	15	18,5±4,3	"<0,02 *<0,02
Кучсиз «менингиал синдром»	10	24,4±6,7	18	22,2±4,6	">0,5 *>0,5
Менингиал синдром кузатилмайди	2	4,9±3,4	3	3,7±2,1	">0,5 **>0,05
Ўчоқли белги	5	12,2±5,1	11	13,6±3,8	">0,5 **>0,05

Эслатма: " – Стьюдент бўйича натижаларни баҳолаш, * – ахамиятлилиқ даражаси χ^2 , ** – аниқ Фишер мезони бўйича нисбатлар миқдори (икки томонлама), # – ЭВ «-» гуруҳининг ЭВ «+» гуруҳига нисбати кўрсаткичи.

Серозли менингитга тахмин қилинаётган солиштирилаётган гуруҳларда люмбал пункция қилинганда ликвор босим остида тез-тез томчилаб ёки оқим билан чиқа бошлади, бу ликвор ҳосил бўлиши ошиб кетганлигидан далолат беради. Оқсилнинг нормал кўрсаткичлари ЭВМ беморларнинг $43,9 \pm 7,8\%$ да кузатилди, бу эса натижаси манфий бўлган гуруҳда нормал оқсил кўрсаткичига нисбатан кўпчиликини ташкил этди ($25,9 \pm 4,9\%$; $p < 0,05$). Бунда ушбу гуруҳда оқсил микдорининг юқорилигини учраш даражаси ЭВМ гуруҳига қараганда статистик жиҳатдан юқорилиги кўринди ($74,1 \pm 4,9\%$; $p < 0,05$). ЭВМ билан оғриган беморларда лимфоцитар плеоцитоз характерли бўлиб, беморлардан 28 нафарида ($68,3 \pm 7,3\%$; $p < 0,02$) кузатилди, 5 та ҳолатда ($12,2 \pm 5,11\%$) ликвор нейтрофил характерга эга эканлиги аниқланди ва бактериал менингит билан қиёсий ташхислашни талаб этди. ЭВМ билан оғриган 8 нафар беморда ($19,5 \pm 6,2\%$) ва натижаси манфий бўлган серозли менингит билан оғриган беморларнинг кўпчилигида (30 та ҳолатда $37,0 \pm 5,4\%$; $p < 0,05$) орқа мия суюқлиги таркиби аралаш, яъни лимфоцит ва нейтрофиллар нисбати тахминан бир хил микдорни ташкил этди (фарқлар 10% дан ошмади).

ЭВМ билан оғриган беморларда ётоқ кунини ҳисоблашдан маълум бўлдики, шифохонада даволанган куни ўртача $9,93 \pm 0,49$ кун давом этди, этиологияси номаълум бўлган серозли менингит билан оғриган беморларда, бу ўртача $11,04 \pm 0,23$ кунни, ЭВМ гуруҳига нисбатан $p < 0,05$ ташкил этди.

Менингитда ташхис мақсадида ўтказилган люмбал пункция, яққол энгиллик берди. Бош оғриғи люмбал пункция ўтказилганидан кейин бир неча соатлардаёқ камайди, кучли бош оғриғи жами 26 нафар ($63,4 \pm 7,5\%$; $p < 0,001$) беморда, қайт қилиш люмбал пункциядан кейин жами 20 нафар беморда ($48,8 \pm 7,8\%$; $p < 0,001$), қайта қайт қилишлар 11 нафар беморда ($26,8 \pm 6,9\%$; $p < 0,001$) қайд қилинди.

ЭВМ клиник кўринишини ўрганишда кўп ҳолатларда-33 нафар ($80,4\%$) текширилаётган беморда менингит ЭВМнинг бошқа белгилари билан кузатилди. Энтеровирусли менингит билан оғриган беморларда касаллик кўпинча ўткир фарингит белгилари билан бошланиши 26 ($63,4 \pm 7,5\%$; $p < 0,001$) та ҳолатда кузатилди. Кўрик пайтида 8 нафар болада ($19,5 \pm 6,2\%$; $p < 0,05$) герпангина борлиги аниқланди, бу 1-2 мм ўлчамли атрофи қизил тож билан ўралган, кейинчалик везикулага айланадиган папулалар пайдо бўлгани билан ифодаланди.


Шунингдек, ЭВМли гуруҳда экзантема, диарея, миалгия, гепатомегалия ва юрак-қон томир тизими зарарланиши ҳолатлари кузатилди, лекин бу белгилар учраш даражаси ишонарли чегарани бермади.

Бизнинг ишимизнинг вазифаларидан бири ЭВМни клиник-лаборатор ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат эди. Ушбу масала касаллик ташхисотига янада аниқроқ ёндашиш учун, асосан туманларда соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида аниқ ташхис қўйишда зарур лаборатория йўқлиги учун ҳам муҳимдир.

Алгоритмни ишлаб чиқиш учун биринчи босқичда бизга маълумот берадиган ҳам клиник, ҳам лаборатор асосий белгилар рўйхатини олиш зарур

эди. Ушбу текширувлар доирасида белгиларнинг ахборотлилигини аниқлашга асосланган Кульбак усулида ёндашиш танланди.

Ушбу таклиф этилган усулдан фойдаланиб, клиник-лаборатор ташхислаш алгоритмини тузишда ЭВМ ташхиси учун аҳамиятга эга бўлган белгилар ҳам танлаб олинди, бу белгилар аҳамияти статистик жиҳатдан солиштирилаётган гуруҳлардан фарқ қилди, шундан кейин мос келувчи маълумотлар асосида энтеровирусли менингитнинг клиник-лаборатор ташхислаш алгоритми тузилди (2-расм).



2- расм. Энтеровирусли менингитда клиник-лаборатор ташхислаш алгоритми (А 87.0)


Диссертациянинг «Энтеровирусли инфекциялар бошқа шакллариининг клиник - лаборатор тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида ЎРИ ва катарал ангина ташхиси қўйилган 79 нафар беморни ўрганиш натижалари келтирилган.

Биз Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонасида ва Қарши шаҳридаги оилавий поликлиникада амбулатор шароитда ЎРИ ва катарал ангина ташхиси билан даволанаётган беморларнинг 32 нафаридан қон зардоби ва 47 нафаридан нажас намуналари олиб текширдик. Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, қон зардобиде ЭВИ РНКси ПЗР йўли билан 11 (34,4%) ҳолатда ва нажас таҳлилидан 11 (23,4%) ҳолатда аниқланди. ЎРИ ва катарал ангина билан оғриган беморларда ЭВни аниқлашнинг мусбат натижаси катталарда ҳам, болаларда ҳам бир хил 27,8%ни ташкил этди.

Ёшга алоқадор омилар текширилганда шу аниқландики, ЭВИ натижалари мусбат бўлган беморлар қуйидагича: 1 ёшдан 3 ёшгача – 2 нафар (9,1±6,1%), 4 ёшдан 6 ёшгача – 4 нафар бола (18,2±8,2%), 7 ёшдан 18 ёшгача – 9 та (40,9±10,5%), катталар – 7 та (31,8±9,9%) ҳолатда, асосий контингентни аёллар – 12 нафарни (54,5±10,6%), эркеклар эса 10 нафарни (45,5±10,6%) ташкил этди.

